

691 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِالْأَمْيْرِ خَيْرًا، جَعَلَ لَهُ وَزِيرًا صِدْقِي، إِنْ نَسِيَ دَكْرُهُ، وَإِنْ دَكَرَ أَعْنَاهُ، وَإِذَا أَرَادَ بِهِ غَيْرُ ذَلِكَ جَعَلَ لَهُ وَزِيرًا سُوءً، إِنْ نَسِيَ مَمْ يُكَرِّهُ، وَإِنْ دَكَرَ مَمْ يُعِنْهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدٍ بِإِسْنَادٍ حَيْثُ عَلَى شَرْطٍ مُسْتَلِمٍ .[2932]

691. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ бир бошлиққа яхшиликни ирода қилса, унга ростгүй вазир беради. Вазир унга унуганини эслатади, эслаган нарсасида унга ёрдам беради. У Зот бундан бошқа нарсаны ирода қилса, унга ёмон вазир беради. Вазир унга унуганини эслатмайди, эслаган нарсасида ҳам унга ёрдам бермайди».**

Бу ҳадисни Абу Довуд, Имом Муслимнинг шартларига мувофиқ яхши иснод билан ривоят қилдилар.

Шарх: Одил ҳукмдор Аллоҳнинг соясидан ўзга соя бўлмаган куни Ўзининг соясида соялантирадиган етти тоифадандир. У адолатни қойим қилиши Раббиси ва халқининг қархисида адо қилиши вожиб бўладиган вазифаларини эслатадиган ростгүй, самимий ёрдамчилар билангина мұяссар бўлади. Агар шундай бўлса, бас, улардан вазир, ҳоким, қози ва идора қилувчилар ёллаш учун пок, энг яхши манбалардан излаши ва қидириши лозим бўлади. Уларга эса илм, ақл, фазл ва насиҳат эгаларидан бўлган яхши суҳбатдошларга одатланишлари лозимdir.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек ёмон суҳбатдош ва шериклардан четлашишлари лозим. У темирчининг босқонини пуфловчи кабидир. Агар сизни куйдирмаса, киридан омонда қолмайсиз.

Вазир, қози ва муфтийлар ҳукмдор сафида бўлади. Уларга лаёқатли ёрдамчи, суҳбатдош ва насиҳатгўйларни ихтиёр қилишлари ҳамда ёмон, алдов ва хиёнат ёрдамчилари ва суҳбатдошлардан ҳазир бўлишлари вожиб

бўлади. Шуларнинг бари билан адолат хукм суради. Ҳақ, хайр, хотиржамлик хукмронлик қиласи. Умматнинг даражаси буюк бўлади. Асрларки унинг кўкрагига тушган хору зорлик кўтарилади.

Манба: hadis.islom.uz

